

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳимояга рухсат

этилди.

“Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ” кафедраси
мудири ю.ф.д., проф.

Ж.Тошқулов « _____ »

_____ 2014 йил

Мусирмонов Элдор Чориевич

Мавзу: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича меҳнат муҳофазаси
ва унинг ҳуқуқий асослари

Таълим йўналиши: 5380200 – Юриспруденция (ислом ҳуқуқи)

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: “Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ” кафедраси ю.ф.н., доц. Н.
Юсупова

**Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича меҳнат муҳофазаси ва
унинг ҳуқуқий асослари.**

Мундарижа:

| | |
|--|-------|
| Кириш..... | 1-5 |
| I – боб. Меҳнат муҳофазаси тушунчаси, мазмуни, ушбу соҳадаги давлат сиёсати ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. | |
| 1.1. Меҳнат муҳофазаси тушунчаси ва унинг мазмуни..... | 6-16 |
| 1.2. Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсати..... | 16-26 |
| 1.3. Тарафларнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари.... | 26-36 |
| II – боб. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратишнинг ҳуқуқий асослари, бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва меҳнат муҳофазасига доир нормаларни бузганлик учун жавобгарлик. | |
| 2.1. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга доир чора-тадбирлар..... | 37-48 |
| 2.2. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш..... | 48-59 |
| 2.3. Меҳнат муҳофазасига доир нормаларни бузганлик учун жавобгарлик..... | 59-69 |
| Хулоса..... | 70-71 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 72-74 |

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси 1991-йил 31-августда ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг барча давлатлар қатори ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб танланган йўл ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш бўлди. Бу ўринда барча соҳалар сингари қонунчилик тизимини ҳам янги тдан яратиш ва ривожлантириш долзарб масала эди. Биринчи навбатда миллий қонунчилигимизнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилди. Унда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди.¹

Шундан келиб чиқиб қонунчиликнинг бошқа тармоқларида ҳам янгича, демократик руҳдаги нормалар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида ҳам фуқароларнинг миллий менталитетига ва меҳнатга оид халқаро нормаларга мос бўлган ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Бунда меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, ходимларга нормал меҳнат шароитларини яратиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.²

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўз олдимизга қўйган мақсад – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда “Тараққиётнинг ўзбек модели” бизга дастурил амал бўлди. Унинг асосий тамойилларидан бири - кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланиб, ушбу тамойил фуқароларни ҳар томонлама, тўлиқ ҳимояга олинишини англатади. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уларга адолатли, соғлом меҳнат шароитларини яратиш асосий масалалардан бирига айланди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2012. - Б. 10.

² Қаранг: Маҳмадалиев Б.Б. 28-апрель - Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни. <http://www.kasaba.uz>

Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида шундай деган: - “Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар куриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади.

Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2014-йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.”¹

Бунда фуқароларни нафақат иш билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш масалалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.²

Биз адолатли ва соғлом меҳнат шароитини таъминловчи қонунчиликни яратиш, уни янада такомиллаштириб бориш билан кучли иқтисодий ривожланган, бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтиб борамиз. Муҳтарам президентимиз таъкидлаганларидек: - “Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси

¹ Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // “Халқ сўзи”, 2014-йил 19 январь.

² Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир”¹.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллигимизга эришганимиздан сўнг Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги миллий менталитетимиз ва халқаро тажрибалар асосида янада бойитилиб келинмоқда. Ушбу соҳа хорижда жуда кенг миқёсда ўрганилиб, бир қанча илмий ишлар, ўқув дарсликлари ва бошқа адабиётлар яратилди. Аввало чет эл давлатларида ўрганилганлик даражасига эътибор қаратсак.

Меҳнат жараёнида юзага келадиган хавфли вазиятлар, касб касалликларига чалинишда аёллар ва эркеклар ўртасидаги фарқларни Г.Райдер ўз асарида ёритган бўлса ХМТнинг маълумотларидан фойдаланиб меҳнат муҳофазасига эътиборсизлик туфайли содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар натижасида вужудга келадиган талофатлар тўғрисидаги статистик маълумотларни М.Херкок таҳлил қилган. С.Гловацкас меҳнатни муҳофаза қилишнинг Ўзбекистондаги ҳолати ва муаммоларини ўрганган.

Рус олимларидан Б.А. Князевский, С.П.Павлов, М.К.Полтевлар ҳам ўз асарларида меҳнат муҳофазасига доир қимматли маълумотларни бериб ўтганлар²

Юртимизда ҳам кўплаб олимлар ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бордилар. Булардан Ғ.Ёрматов “Меҳнатни муҳофаза қилиш” номли дарсликни яратиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари ва ташкилий асослари, бу соҳани бошқариш, касб касалликлари ва жароҳатланиш ҳамда уларнинг олдини олиш масалаларини ёритган. Бу соҳада изланиш олиб борган олимлардан яна А.Йўлдошев, Ж. Холмўминов,

¹ Қаранг: Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // “Халқ сўзи”, 2014-йил 19 январь.

² Қаранг: Reyder H. Gender issues in safety and health at work. - В.: “Grand Via”, 2003. – 22 p; Herkoge M. FACTS ON safety and health at work. - G.: “ILO”, 2009. - 29 p; Гловацкас С. Охрана труда в Республике Узбекистан. - М.: “Бек”, 2008. - 55 с; Князевский Б.А. Охрана труда в электроустановках. - М.: “Энергия”, 1998. - 72 с; Павлов С.П. Охрана труда в приборостроении. - М.: “Высшая школа”, 2001. - 91 с; Полтев М.К. Охрана труда в машиностроении. - М.: “Высшая школа”, 2000. - 247 с.

А. Дусманов, Т. Тиллаев, А.Иноятов, Й.Турсунов, М.Усманова ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.¹

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифаси. Бунгунги кунда жамиятнинг барча соҳаси шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда ҳуқуқ соҳасини, хусусан меҳнат ҳуқуқи ва меҳнат муҳофазасини замон билан ҳамоҳангликда ривожлантириб, янгиликларни тўғри ва чуқур таҳлилдан сўнг амалиётга тадбиқ этиш демократик ислохотлар даврида замон талаби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг бош мақсади бўлиб, бугунги кун талабларига мос келадиган меҳнат қонунчилиги тизимини ривожлантириш, ишлаб чиқаришдаги мавжуд меҳнат муҳофазасига доир камчиликларни бартараф этиш ва бу борада мукамал қонунчилик базасини яратиш билан биргаликда унинг амалиётини чуқур ўрганишдан ва бунга эришиш мақсадида назарий таклифлар беришдан иборат.

Меҳнат муҳофазаси талабларининг тўлиқ даражада амалга оширилиши, экологик тоза, инсон ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳит учун ҳавфсиз – “яшил иш ўринлари”ни яратилиши барқарор тараққиётни таъминлайди.

Юқоридаги мақсадларга эришиш йўлида тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар кўйилди:

1. Меҳнат муҳофазаси тушунчаси ва унинг мазмунини ёритиш
2. Меҳнат муҳофазаси соҳадаги давлат сиёсати ва бошқарувини атрофлича ўрганиш.
3. Ходим ва иш берувчининг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари таҳлил қилиш.

¹ Қаранг: Ёрматов А.Ф. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Маърузалар матни - Т.: “Ўзбекистон”, 2002. - 382 б; Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Меҳнат ҳуқуқи. Маърузалар матни - Т.: “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти”, 2008. - 162 б; Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик - Т.: “Иқтисодиёт дунёси”, 2002. - 428 б; Турсунов Й.А. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик - Т.: “Молия”, 2006. - 282 б.

4. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга доир чоратadbирлар заруратига илмий ёндашиш.

5. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳамда қонунбузарлик содир бўлган ҳолатларда жавобгарлик масалаларини тўлиқ ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигидаги мавжуд меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрлар ҳамда юртимизда ратификация қилинган халқаро ташкилотларнинг конвенция ва бошқа меъерий ҳужжатларининг амалиётдаги тадбиқини ўзлаштириш.

Тадқиқот натижаларининг аҳамияти. Меҳнат муҳофазасига оид қонунчиликдаги камчиликларни амалиётдаги тажриба ва таклифдар орқали аниқлаш. Шу орқали Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъерий ҳужжатларини такомиллаштириш.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб, 6 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I боб. Меҳнат муҳофазаси тушунчаси, мазмуни, ушбу соҳадаги давлат сиёсати ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

1.1. Меҳнат муҳофазаси тушунчаси ва унинг мазмуни.

Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Давлат фаолиятининг муваффақияти ҳозир кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуқлари, чуқур илм талаб қиладиган технологиялар қанчалик кенг жорий этилаётгани, кадрларнинг касб тайёргарлиги даражаси билан белгиланади.¹

Меҳнат - бу кишини мақсад сари йўналтирилган фаолияти бўлиб бунда у табиатга таъсир қилиб, ундан ўз моддий эҳтиёжини қондириш мақсадида фойдаланади. Меҳнат бу фақатгина инсон билан табиат ўртасидаги муносабатгина эмас бу оммавий жараён ҳам бўлиб, бунда одамлар бир-бирлари билан маълум бир ишлаб чиқариш муносабатларида бўлишади. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тизимда у маълум бир тарихий шаклда, ўз жамиятининг тузилишини ифодалаган ҳолда, алоҳида характер билан кўринади.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган. Меҳнат жамоаларида, барча йирик ва кичик корхоналарда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш асосий вазифадир.

Қулай меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқи – фуқароларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқларидандир. Ушбу ҳуқуқларни амалда таъминлаш меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатлари талабларини оғишмай бажариш йўли билан рўёбга чиқарилиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т.1. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. - Б. 36-37.

Мазкур тушунча моҳияти жиҳатидан кенг ҳамда тор маъноларда талқин қилинади. Кенг маънода бу тушунча меҳнат фаолияти жараёнида инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, санитар-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация каби тизимдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланишича “Меҳнатни муҳофаза қилиш - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат”.¹ Қонунда, шунингдек, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техникавий, тиббий ва бошқа тадбирлар белгиланган.

Юқоридагилардан тушуниладики, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлаш учун меҳнат муҳофазасининг кенг маънодаги тушунчасига таянмоқ лозим. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг бирорта таркибий қисми етарли бўлмаса, умуман меҳнат муҳофазасини тўлиқ таъминлаб бўлмайди.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси деганда меҳнат ҳуқуқининг турли бўлимларига тааллуқли ҳуқуқ нормалари йиғиндиси тушунилади. Булар жумласига ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортишни тақиқловчи, асоссиз ходимларни ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказишни чекловчи ҳамда бошқа кўплаб қулай меҳнат шароитлари яратилишига қаратилган йўналишлар киради.

Тор маънода эса меҳнат муҳофазаси деганда ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолияти жараёнида ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиб беришга хизмат қилувчи ҳуқуқий нормалар

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

йиғиндиси тушунилади.¹ Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ходимлар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиш билан бирга, ишлаб чиқариш участкаларида техникавий, санитария-гигиена шароитларини таъминлаш мақсадида белгиланган стандартлар ва нормативларнинг ишлаб чиқилиши ва уларга амал қилишни таъминлашга оид иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чоратadbирлардан иборат бўлади.

Меҳнат ҳуқуқи институтининг асосий тамойилларидан бири – меҳнат муҳофазасини таъминлаш тамойили, шунингдек ходимнинг меҳнат муҳофазасига нисбатан субъектив ҳуқуқи сифатида ҳам қаралади. Аниқроқ айтганда, ҳар бир ходим хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига эга бўлиши ва иш берувчидан ана шундай шароитларни таъминлашни талаб қилишга ҳақлидир.²

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш» боби (211-223-моддалар) ва бошқа қоидалар, Ўзбекистон ҳукуматининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг ишлаб чиқаришдаги техника хавфсизлиги, санитария ҳамда гигиенага, профилактикага оид йўриқномалар, стандартлар, техникавий шартлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, корхона ва ташкилотларнинг бевосита ўзида ишлаб чиқилган, иш берувчилар ҳамда ходимлар вакиллик органлари билан ўзаро келишиб тасдиқлаган меҳнатни муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама шартномалари, Ўзбекистон иштирок этган ёки тан олган халқаро

¹ Қаранг: Турсунов Й.А. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: “Молия”, 2006. – Б. 134-157.

² Қаранг: Ўша манба: - Б. 81-93.

шартномалар ҳам меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликнинг муҳим манбаларидан ҳисобланади.¹

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.²

Фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилишга қаратилган мазкур қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эга экани кўрсатилган.³

Мазкур қонун ишлаб чиқариш соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъмин этишда жуда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, қонун:

1. Меҳнаткашларнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқларни таъминлайди;
2. Мулкнинг барча шаклидаги корхоналарда ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муҳофазасига оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ягона тартибини белгилаб беради;
3. Ходимлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга ҳуқуқий асос яратади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни⁴ алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур қонуннинг асосий вазифаси:

1. Фуқаролар соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларнинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

¹ Исаев М., Тўлаганов Ш. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва унинг Конвенциялари // “Ишонч”, 2000-йил 31 март.

² Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари - Т.: “Адолат”, 14-сон, 1997. - Б. 32.

2. Фуқаролар соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

3. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат.

Шунингдек, бу борада бошқа қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қабул қилинган қарорлар, бошқа давлат органлари ҳужжатлари, жамоат шартномаси ҳамда келишувлари тадбиқ этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлари кенг доирада қўлланиши билан фарқ қилади.

Меҳнат муҳофазаси техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясини ҳам ўз ичига олади. Техника хавфсизлиги деганда ишлаб чиқаришни зарарли омиллари таъсирини бартараф этишга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими назарда тутилади. Ишлаб чиқариш санитарияси деганда, ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирларининг олдини олишга ёки уларни камайтиришга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими тушунилади.¹

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида Меҳнатни муҳофаза қилишга оид халқаро шартномаларнинг ўрни ўз аксини топган бўлиб унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари халқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётганларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар ўзгача

¹ Қаранг: Гасанов А.М., Соколов В.Е. Меҳнатни муҳофаза қилиш // Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатлари. Т.3. - Т.: “Шарқ”, 2000. - Б. 134.

шартлашилмаган бўлса, ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қўлланади.¹

Бундан кўриниб турибдики меҳнат муҳофазаси бўйича тасдиқланган халқаро меъёрлар миллий қонунчиликда ўз аксини топади.

Меҳнат муҳофазасига оид қонунлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларга, кооперативлар, деҳқон-фермер хўжаликларида ёлланиб ишлаётган ёки аъзо бўлган ҳолда меҳнат қилаётган барча фуқароларга, ишлаб чиқариш амалиёти даврида корхоналарга жалб этилган ўқувчилар ва талабаларга, корхонадаги ишларга жалб этилган ҳарбий хизматчиларга, муқобил хизматни ўтаётган шахсларга, шунингдек давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган бошқа ишларга жалб этилган барча фуқаролар меҳнатини муҳофазалашга нисбатан тадбиқ этилади.

Меҳнат Кодексининг 211-моддасига кўра, меҳнат муҳофазаси меҳнат муносабатларининг муҳим таркибий элементи ҳисобланиб, ундан иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам муҳим ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади.²

Меҳнат Кодексининг 212-моддасида меҳнат муҳофазаси юзасидан ходимларнинг мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб унга кўра: - «Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий воситалардан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б 101-102.

кандай бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиғи ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт».¹

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга қатъий амал қилиш ходимнинг бурчи бўлиб, унга риоя этмаслик интизомий жавобгарликка ва интизомий жазо қўлланишига сабаб бўлади. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини текшириб бориш ва зарур шарт-шароитлари билан таъминлаш иш берувчининг мажбуриятлари сирасига киради.

Корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид ишларни режалаштириш ва амалга ошириш, бу соҳани иш берувчи томонидан бошқариш корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги билан уйғун ҳолда олиб боришига асосланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш режалари муайян тармоқ минтақада соғломлаштириш, меҳнат шароитларини такомиллаштиришнинг таркибий қисмидир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари корхона лойиҳаланиши, қурилиш ва фойдаланишига топширилишидан бошлаб, ишлаб чиқариш жараёни давомида ҳам узлуксиз амалга оширилиб борилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида корхоналар ва объектларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишда, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш чоралари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра меҳнат муҳофазаси талабларга жавоб бермайдиган корхона ва объектларнинг ишга тушиши таъқиқланганлиги кўрсатилган.²

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган профилактик чоралар жумласига юқоридагилардан ташқари, корхоналарда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б 101-102.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

техника хавфсизлигини таъминлаш хизмати бўлиши лозимлиги ҳақидаги,¹ меҳнатни муҳофаза қилишга оид йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, ходимларнинг яқка ҳимояланиш воситалари билан таъминланишлари ва бу воситалардан фойдаланиш ходим учун мажбурий эканлиги, зарарли ишлаб чиқариш шароитларида банд бўлган ходимларнинг касалликка чалинишларининг олдини олиш мақсадида белгиланган меъёрларга мувофиқ профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари, шўр сув, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланишлари, айрим тоифага мансуб ёки зарарли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларни ишга қабул қилиш пайтида ҳамда иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиб туриш лозимлиги, соғлиги ҳолатига кўра ходимларни енгилроқ ишга ўтказиб турилиши каби тадбирлар ҳам қиради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун давлат маблағлари ажратилади ҳамда улардан тўлиқ ва мақсадга мувофиқ фойдаланилиши давлат ҳамда жамоатчилик йўли билан назорат қилинади. Корхона томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш учун ажратилган маблағлардан тўлиқ ёки мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик давлат ва молия интизомини қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

Корхоналарда ходимлар иш берувчилар ҳисобидан бахтсиз ходисалардан ва касб касалликларига чалинишдан мажбурий суғурта қилиб қўйилади. Меҳнат муҳофазасига оид умумий ва махсус қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида, “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунида, Ўзбекистон Республикасининг “Санитария назорати тўғрисида”ги Қонунида, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва бошқа қонунларда ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

Ходимларнинг айрим тоифаларига мансуб бўлган шахсларнинг (аёллар, ўсмирлар ва бошқалар) меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари уларга доир бўлган махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Меҳнат шароитининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга - яъни меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик фаолиятини оширишга олиб келади.

Меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирон бир янги машина ёки механизм ишлаб чиқаришга қабул қилинмаслиги керак. Шунингдек меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирор цех ёки корхона ишга туширилмаслиги керак.¹

Меҳнат ҳақидаги қонунлар корхоналар маъмуриятига қуйидаги вазифаларни юклайди:

1. Соғлом ва хавфсиз иш шароитларини таъминлаш.
2. Касбий касалликларни ва жароҳатларни олдини олувчи замонавий хавфсизлик техникаси воситаларини тадбиқ қилиш.
3. Ишчи ва хизматчиларни бепул коржома ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш.
4. Зарарли иш шароитларида махсус сут ва махсус озиқ-овқатлар билан таъминлаш.
5. Тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиб туриш.
6. Йўриқномаларнинг барча турларини ўз вақтида ўтказиб туриш ва Меҳнат Кодексига биноан оғир ва зарарли ишларда аёллар ва ёшлар меҳнати тақиқланган.

Муҳтарам Призидентиз таъкидлаганидек, “Янги технологик жараёнларнинг яратилиши, янги ашёларнинг қўлланилиши принцип

¹ Ёрматов А.Ф. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Маърузалар матни. - Т.: “Ўзбекистон”, 2002. - Б. 38.

жихатдан янгича ёндашувни, меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг янги усулар ҳамда воситаларини ишлаб чиқаришни, шунингдек ана шу масалалар бўйича янги нормативларни яратишни тақозо этмоқда.¹ Шу сабабли меҳнат муҳофазасига доир норматив ҳужжатларни тартибга солиш зарурати пайдо бўлди.

Меҳнат муҳофазаси қуйидагиларни ташкил этади:

- меҳнат муҳофазаси бўйича умумий талаблар;
- ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш;
- ходимларга хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаб бериш ва уни мунтазам равишда яхшилаб боришда иш берувчининг мажбуриятлари;
- меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилишда ходимларнинг мажбуриятлари;
- ходимлар, айрим тоифадаги аёллар, вояга етмаганлар, меҳнат қобилияти паст бўлган шахслар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча тадбирлари.²

Корхоналар маъмурияти ва муҳандис-техник ходимларнинг асосий вазифалари меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуи учун ҳамда хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари билан белгиланади.

Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш масалалари корхона жамоа шартномасида, тармоқ келишувларида ва бошқа миллий меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топади.

Қонун ҳужжатлари мулкчилик ва хўжалик юриштишнинг турли шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар билан, жумладан, айрим ишга ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимлар,

¹ Каримов И.А. Замонавий кадрлар – тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - Б 39.

² Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

кооператив аъзолари, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар, суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасалари ёки ҳукм ижрасини амалга оширувчи идоралар белгилайдиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан тадбиқ этилади.¹

Меҳнат муҳофазасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда меҳнат қонунларининг марказлаштирилган тартибдаги нормалари билан жамоа шартномаси ва келишувлари ҳамда меҳнат шартномаси асосида келишилган шартлари уйғун ҳолда қўлланилади.

Амалдаги қонунчиликда марказлаштирилган тартибдаги ҳуқуқ нормалари билан меҳнат муҳофазаси борасида ҳуқуқларнинг энг қуйи даражаси белгилаб қўйилган. Унга кўра миллий қонунчиликдаги ҳужжатлар орқали фуқароларнинг энг кам (минимум) даражасидаги ҳуқуқлари аниқлаштирилади ва амалга оширилади.²

1.2. Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсати.

Давлатнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўз сиёсатини юритади, қонунчиликка риоя қилиниши, меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрлари қандай бажарилаётгани устидан назорат ўрнатади.

Ишлаб чиқариш санитарияси ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этишини бартараф қилувчи ёки камайтирувчи ташкилий тадбирлар ҳамда техникавий воситалар тизимидан иборат. Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини тартибга солувчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Меҳнат Кодекси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва давлат назорат

¹ Қаранг: Гасанов А.М., Соколов В.Е. Меҳнатни муҳофаза қилиш // Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатлари. Т.3. - Т.: “Шарк”, 2000. - Б. 131.

² Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: “Иқтисодиёт дунёси”, 2002. - Б 301.

органларининг касаба уюшмалари марказий органлари билан биргаликда ёки улар билан келишган ҳолда қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб берилган. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг турлари, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари хавфсизлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари, ходимларни ҳимоялаш воситалари, бинолар ва иншоотлар хавфсизлигига доир ишларни ташкил қилиш ҳамда тартибга солишга қўйиладиган талаблар давлат сиёсатида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати белгиланган. Унга кўра меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати:

- корxonанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги;
- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;
- мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, барча корxonалар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйиш;
- меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;
- корxonаларда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;
- меҳнатни муҳофаза қилишни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;
- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;

- хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;
- фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш;
- ишловчиларни махсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, пархез овқатлари билан бепул таъминлаш;
- корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;
- ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг мажбурийлиги;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиққан ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;
- касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш принципларига асосланади.¹

Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунида ҳам ўз мазмун моҳиятини топган.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари халқаро шартнома ва битимлар асосида иш бажараётганида меҳнат муҳофазаси бўйича уларда кўзда тутилган талаблар Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги бошқа

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

қонунларига мувофиқ ҳолда қўлланилади. Бошқача тарзда шартлашилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгилаб қўйилади.¹

Бунда чет эллик ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишининг ўзига хос жиҳатлари белгилаб қўйилганлигининг ҳуқуқий асосини кўришимиз мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Бунда давлатнинг вазифаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг тамойилларини амалга ошириш, меҳнатни атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва нормаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ишлаб чиқишда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаб даражасини белгилаш, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга оид аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларини ишлаб чиқиш ва молиявий жиҳатдан маблағ билан таъминлаш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборат.²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида мазкур вазирлик зиммасига меҳнат шароитларини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза этиш ва нормалаш тизимини такомиллаштириш бўйича бозор шароитларига мос келадиган чоратadbирларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

² Ўша жойда.

Мазкур фармонни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган. Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнатни муҳофаза этиш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий масалалари акс эттирилган.¹

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг иш фаолияти тўғрисидаги Низомнида тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори мазкур вазирликни мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб берган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза этиш ва аҳолининг ижтимоий таъминоти соҳасида давлат бошқарувининг марказий органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва аҳолининг ижтимоий таъминотида оид халқаро шартномаларга, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

Вазирликларнинг ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхона ва муассасалар, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: “Адолат”, 4-сон, 2001. - Б. 32.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар), ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимлари, шунингдек вазирликка ва унинг ҳудудий бўлинмаларига қарашли бошқа ташкилотлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ягона тизимини ташкил этади. Вазирлик ўзига тегишли масалаларни ҳал этишда ана шу органлар фаолиятини йўналтиради, мувофиқлаштиради ва назорат этади. Мазкур вазирлик ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағларини бевосита бошқаради.¹

Вазирликка қуйидаги ташкилотлар бевосита бўйсинади:

- 1) Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги;
- 2) Ногиронларни экспертизадан ўтказиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика инспекцияси;
- 3) Ногиронларни тиббий ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази;
- 4) Таянч-ҳаракат қилиш тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика маркази;
- 5) Меҳнатни нормалаштириш ва муҳофаза қилиш маркази;
- 6) Ўзбекистон меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг иш фаолияти тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. // <http://www.lex.uz>.

- 7) Ахборот-телекомпьютер маркази;
- 8) Уруш ва меҳнат фахрийлари учун пенсионат ва санаторийлар;
- 9) Касб-ҳунар коллежлари.

Вазирликнинг меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш шарт-шароитларини ва уни муҳофаза қилишни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда меҳнат шарт-шароитларини баҳолаш учун норматив база ишлаб чиқилишини ташкил этади, иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилишига услубий ёрдан кўрсатади;

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қонун ва норматив ҳужжатларга риоя қилиш устидан белгиланган тартибда давлат назорати ва текширувини амалга оширади;

Вазирлик ва идораларнинг имтиёзли пенсия таъминоти, қўшимча таътил, қисқартирилган иш куни ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқариш, иш турлари, касб ва лавозимлар ҳамда кўрсаткичлар рўйхатиغا киритиш тўғрисидаги таклифлар юзасидан хулосалар беради;

Ноқулай меҳнат шароитларида ишлагини учун бериладиган имтиёзлар ва компенсацияларнинг амалдаги рўйхатиغا ўзгартиришлар учун Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлайди;

Манфаатдор идоралар, шунингдек Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши иштирокида меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва норматив методик ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Меҳнат шарт-шароитлари, унга ҳақ тўлаш, иш билан таъминлаш, кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган, давлатнинг

қўллаб-қувватланишига эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқодларини мувофиқлаштиради.¹

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бевосита тааллуқли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июнда “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида” 267-сонли Қарори қабул қилинган.²

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш учун “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан шарт-шароитларига мувофиқ келадиган норматив базани яратиш ва шу асосда мулкчиликнинг барча шакллари ҳамда ишлаб чиқариш усулларидаги корхоналарда ишловчи ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинган:

- 1) Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш ва жорий этиш дастури;
- 2) Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир ишлаб чиқарилган ва келишиб олинган қоида ва нормалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ёки Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига назоратдаги объектлар бўйича тасдиқлаш учун киритилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, айрим органлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган қоида ва нормалар бундан мустасно.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури қуйидаги бўлимлардан иборат:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг иш фаолияти тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. // <http://www.lex.uz>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. // - Т.: “Адолат”, 2001-йил, 1-сон, - Б. 10.

- 1) Меҳнатни муҳофаза қилишга доир тармоқлараро нормативлар;
- 2) Турли тармоқ ва ишлаб чиқариш учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидалар;
- 3) Санитария қоидалари ва нормативлари;
- 4) Қурилиш норма ва қоидалари;
- 5) Якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул бериш нормалари;
- 6) Дастурларнинг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторинги.¹

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш, ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги ҳужжатда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш, янгиларини тасдиқлаш, шунингдек амал қилаётганларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишнинг ягона тизими белгилаб берилган.

Мазкур ҳужжатда назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш, ва тасдиқлаш тартиби вазирлик, идора, корпорация, концерн, уюшма, ташкилот ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги ва ишлаб чиқариш усулларидаги корхоналарга, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқувчи ва уларни қайта кўриб чиқувчи шахсларга тадбиқ этилади. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, стандартлар, қурилиш, санитария норма қоидалари, гигиена нормативлари талаблари, эргономик талаблар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.

Қоидаларни тасдиқлаган вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, уларнинг давлат стандартлари, қурилиш, санитария норма ва қоидалари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисидаги Қарори. //http://www.lex.uz.

гигиена нормативлари талабларига мувофиқлигини мунтазам текширишлари ҳамда зарурат бўлганда тегишли ўзгартиришлар қиритилиши керак.

Қоидаларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши мумкин:

– қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ҳамда давлат органлари томонидан тасдиқланган бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзгариши;

– янги техника ва технология жорий этилиши.

Ушбу ҳужжатлар қуйидаги бўлимлардан иборат:

1) умумий қоидалар;

2) меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қоидалар мазмунига қуйиладиган талаблар;

3) меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бўлимлари мазмунига қуйиладиган талаблар;

4) меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини расмийлаштиришга қуйиладиган талаблар;

5) Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини келишиш ва тасдиқлаш тартиби.¹

Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги томонидан тасдиқланган қоидалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳам келишилиши лозим.

Белгиланган тартибда келишилган қоидаларни масъул ижрочилар томонидан тасдиқлаш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, давлат Архитектура ва қурилиши қўмитасига юборилади.

¹ Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: “Иқтисодиёт дунёси”, 2002. – Б. 312.

Вазирлик ва идоралар белгиланган тартибда тасдиқланган қоидаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юбордилар.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунининг 6-моддасида белгиланишича жамоат бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига оид қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этишидаги ўрни белгилаб берилган бўлиб унга кўра корхоналар, мутахассислар, фуқаролар меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга мувофиқ амал қиладиган жамоат бирлашмаларига уюшишлари мумкин.¹

Бунда давлатнинг роли ўз органлари томонидан ушбу ҳуқуқий асосни яратиш орқали меҳнат қонунчилигини таъминлаб беришидадир.

Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, назорат қилиш идоралари, шунингдек корхоналар бу бирлашмаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатадилар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда улар ишлаб чиққан низомлар ва тавсияларни ҳисобга оладилар.

1.3 Тарафларнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида меҳнатини муҳофаза қилишга доир ходимнинг ҳуқуқлари таъминланган. Биз бунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Меҳнат Кодексида, меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларида кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 37-моддасида белгиланганки, ҳар бир шахс

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади.¹

Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадир. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланганлиги Конституциямизнинг 38-моддасида ўз аксини топган.²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида умумий тарзда ўз асосини топган ушбу нормалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида мавжуд бўлган меҳнат муҳофазасига оид меъёрларнинг конституцион асосини белгилаб берган.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари Меҳнат Кодексининг бир қанча моддаларида мустаҳкамланган.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 213-моддасида Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга кўра иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишда ходимни меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ходимларга ёки уларнинг вакилларига муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида ҳам ахборот бериши шарт.³

Ушбу модда асосида ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи иш берувчининг бу соҳадаги ўз мажбуриятларини амалга ошириши орқали амалга оширилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2012. - 40 б.

² Ўша жойда.

³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б 101-102.

Ходимлар ишлаб турган корхонадаги ноқулай меҳнат шароити ёки соғлиғининг ёмонлашганлиги сабабли соғлиғига тўғри келадиган қулай меҳнат шароити мавжуд бўлган бошқа ишга ўтишни сўраб иш берувчига муурожаат қилиш ҳуқуқи Меҳнат Кодексининг 218-моддасида белгиланган. Унга кўра, Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.¹

Бунда ҳам ходимнинг мазкур ҳуқуқи амалга оширилиши иш берувчига мажбурият юклайди. Енгилроқ ишга ўтганлиги ходимнинг молиявий ҳолати ёмонлашувига сабаб бўлмайди. Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақиға қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: "Адолат", 2013. – Б. 105.

меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади.

Бундан кўриниб турибдики ходимнинг қулай шароитларда ишлаши ва соғлиғига тўғри келадиган меҳнатни бажариши унинг молиявий ҳолатининг ёмонлашувига ҳеч қандай сабаб бўла олмайди ва аксинча, иш берувчи ходимнинг бу ҳуқуқини таъминлаб бериш орқали унинг жисмоний ва моддий ҳолатининг яхшиланишига олиб келувчи мажбуриятини бажаради.

Ходим бажарилиши лозим бўлган ишнинг ўз ҳаёти ва соғлиғига тўғри келмаслигини билган ҳолатда бу ишни бажаришдан бош тортиши мумкин ва бу унинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқи ҳисобланади. Бу хусусда Меҳнат Кодексининг 219-моддасида ходимнинг ўз ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солаётган ишни бажаришни рад этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мазкур қоида ходимнинг сезгилари ёки билими билан белгиланмайди. Бу ҳолатда ходим иш жараёнида ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келиб қолганлиги тўғрисида иш берувчига дарҳол хабар қилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириб бориш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи органлар ана шу ҳолатларни тасдиқлаган тақдирда иш берувчи бу ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради. Агар зарур чоралар кўрилмаса, ходим ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақлидир. Ана шу давр мобайнида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.¹

Юқорида айтиб ўтилган органлар бундай ҳолатни тасдиқламаган тақдирда ходим ишни бажаришни рад этишга ҳақли бўлмайди.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир. Бу Меҳнат Кодексининг 214 моддасида ҳуқуқий асосини топган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. – Б. 106.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар. Харажатлар корхона томонидан тўлаб берилади. Бу меҳнат шартномасида, жамоат шартномасида ўз аксини топган бўлади. Харажатлар корхона томонидан тўланмаган ҳолат юзага келса Касаба уюшмаси ёки ходимнинг вакиллик органлари ходимнинг бу ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлаб беришга ҳақлидирлар.

Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари, қоида ва йўриқномаларига риоя этиш мажбурияти Меҳнат Кодексининг 212-моддасида белгилаб берилган. Ходим:

– меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши,

– олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиғи ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт.¹

Бундан ташқари ходимнинг мажбуриятларидан бири - бу унинг тиббий кўриқдан ўтишидир. Меҳнат Кодексининг 214 моддасида белгиланган меъёрларга кўра:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. – Б. 102.

– озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

– умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.¹

Бу ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид қонунчилигида меҳнатини муҳофаза қилишга доир иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган. Меҳнат Кодексининг меҳнатни муҳофаза қилишга бағишланган XIII бобида мазкур нормалар атрофлича ёритиб берилган. Масалан Меҳнат Кодексининг 211-моддасида Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.²

Бундан кўриниб турибдики иш берувчилар хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратиб бермаганликлари учун ҳам, мавжуд талабларни бузганликлари учун ҳам жавобгар бўладилар.

Тарафлар ўртасида меҳнат шартномаси тузилаётганда иш берувчи бўлажак ходимни унга ажратилаётган иш ўрнидаги мавжуд меҳнат муҳофазаси талаблари билан таништириши лозим. Бу иш берувчининг бирламчи мажбуриятларидан ҳисобланади. Шунингдек иш берувчи олиб

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б. 102.

² Ўша жойда. - Б 102-103.

борилаётган меҳнат даври мобайнида ҳам ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш бориб ҳамда уларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитишни таъминлаб бериши лозим. Бу қоида Меҳнат Кодексининг 215-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунида ҳам белгиланган. Бу борада Меҳнат Кодексининг 215-моддасида белгиланишича ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.¹

Иш берувчи тегишли йўл-йўриқларни шахсан ўзи ёки ўринбосарлари, меҳнат муҳофазаси бўйича ходими, бригадирлари, усталари, участка бошлиқлари орқали бериб боради.

Шунингдек, иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнат жараёнининг хавфсиз ва соғлом олиб борилиши учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

Бу ҳолатга йўл қўйилган тақдирда иш берувчи тегишлича жавобгар бўлади.

Бозор иқтисодиётига асосланган босқичма-босқич ривожланиш йўлида иқтисодий ривожланаётган мамлакатимизда меҳнат муҳофазасига доир талаблар ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам республикаимизда вақти-вақти билан белгиланган тартибларда фуқароларнинг меҳнат муҳофазасига оид билимлари оширилиб ва текширилиб борилади. Шу

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. – Б. 103-104.

орқали ривожланган жамиятда янада устивор бўладиган меҳнат муҳофазаси таъминланади.

Бу Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида ҳам ўз аксини топган. Унга биноан, корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт.¹

Бундан ташқари, иш берувчи барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўқув ўтказилади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.²

Бу ишлар ходимларнинг малака ва билимларини ошиб боришини таъминлаш билан бирга унинг амалга ошиши иш берувчига ҳам юқорида кўрсатилган мажбуриятларни юклайди яъни иш берувчи ижрочи ҳамда қатнашчи сифатида бу вазифаларни бажариб боради.

Иш берувчининг навбатдаги мажбурияти сифатида ходимларнинг вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиб турилишларини ташкил этиб беришини келтиришимиз мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

² Ўша жойда.

Иш берувчининг ходимларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишига йўл қўйилмайди. Агар бу ҳолатга йўл қўйилса бу уни жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.¹

Агар ходим иш берувчидан ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа ва навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилса тиббий кўриқни таъминлаб бериш иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган.

Меҳнат Кодексининг 218-моддасига мувофиқ иш берувчи соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.²

Бунда ходим камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилса шундай ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Иш берувчининг яна бир мажбурияти бу ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш-профилактика муассасаларига олиб бориш ҳисобланади. Иш берувчи иш жойида касал бўлиб қолган ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган чоралар кўриши шарт.

Иш жойида оғриб қолган ходимларни даволаш-профилактика муассасаларига олиб бориш, зарур ҳолларда, иш берувчининг ҳисобидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б. 102-103.

² Ўша манба. - Б 105.

амалга оширилади. Иш берувчига мазкур мажбурият Меҳнат Кодексининг 221-моддасига асосланиб юклатилади.¹

Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 15-моддасида Ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шарт.²

Мажбурий суғуртани тўлиқ таъминлаб беришда иш берувчи ўз ваколатлари доирасида иш олиб бориш билан ўз мажбуриятини бажаради.

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, етказилган ҳар қандай зарарни иш берувчи меҳната оид қонунларда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Маънавий зарар пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланган миқдорда қопланади. Агарда ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этса иш берувчи вафот этган ходимнинг оила аъзолари билан ўзаро келишиб, уларга белгиланган миқдордаги зарарни тўлайди. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда эса низо судда кўриб чиқилиб ҳал қилиниши меҳнатга оид қонунчилигимизда белгиланган.

Шунингдек, иш берувчи ходимга меҳнат қилиш имкониятидан ноқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини тўлаши шарт.

Иш берувчига нисбатан бундай мажбурият:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б 107.

² Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

– иш ҳақи ишга қабул қилиш ноқонуний равишда рад этилганлиги натижасида,

– меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги ва меҳнат низоларини кўрувчи органнинг бундай ишлар юзасидан чиқарилган қарори ўз вақтида бажарилмаганлиги натижасида,

– меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганлиги натижасида,

– ҳар қандай йўллар билан ходимнинг шаънига доғ туширувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилганлиги натижасида ва бошқа ҳолларда келиб чиқади.¹

Юқоридагиларнинг барчаси иш берувчига қайсидир маънода тўлиқ ёки қисман мажбуриятлар юклайди. Иш берувчи эса ушбу мажбуриятларни бажариб бориши натижасида адолатли, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаб ҳам беради.

¹ Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: “Иқтисодиёт дунёси”, 2002. - Б 298.

II боб. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратишнинг ҳуқуқий асослари, бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва меҳнат муҳофазасига доир нормаларни бузганлик учун жавобгарлик.

2.1. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга доир чора-тадбирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» 1993 йил 6 майдаги Қонунининг 8-моддасида иш берувчи, ёлловчи мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва нормалари талабларининг, шунингдек жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши таъкидланади.

Корхона ходимлари ҳам, ўз навбатида, тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар, жамоа шартномасида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормалари талабларига риоя этишлари шарт.

Мазкур қонуннинг 13-моддасига биноан, корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш иш берувчининг зиммасига юклатилган.

Меҳнат шароити нафақат корхона миқёсида, балки ҳар бир иш жойида меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва нормалари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.¹

Корхонада соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоасини ўз вақтида хабардор қилиш ҳам иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришда, хусусан ноҳуш ҳарорат ёки ифлосланиш даражаси юқори бўлган шароитда ишлаётган ходимларга қонунда белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойафзал ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

бошқа шахсий ҳимоя воситалари, шунингдек ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, пархез овқат бепул берилади.

Корхонада соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш юзасидан иш берувчи билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки жамоа келишувида белгилаб қўйилади.

Стандартлар, эргономик талаблар, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларга жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, таъмирлаш, маҳаллий ҳамда хориждан сотиб олинган технологияларни жорий этишга йўл қўйилмайди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, қайта қурилаётган ҳар бир янги корхона, яратилаётган ишлаб чиқариш воситалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаган тақдирда, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши ман этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунига кўра, белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари томони билан бериладиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этиши шарт. Мазкур рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган.¹

Албатта, меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларига жавоб бермайдиган, ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқлаштирилгунга қадар,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: “Адолат”, 2-сон, 2001. - Б. 7.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилади.

Қонун ҳужжатларида йўл қўйилмаган энг кўп меъёрлари акс эттирилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш қатъиян таъқиқланган.

Меҳнат муҳофазасига оид масалаларнинг мураккаблиги ва долзарблигини назарда тутган ҳолда, мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилади.

Бинобарин, мазкур ўқув юртларда халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талаба ва ўқувчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш махсус курси бўйича ўқитилишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг 16-моддасига биноан вазирлик, идора, концерн, ассоциация ва бошқа хўжалик бошқаруви органлари эса меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъмин этиши лозим.¹

Маълумки, меҳнат муҳофазасини ташкил қилиниши унинг молиявий жиҳатдан таъминлаш тадбирларини режалаштирилиши билан бевосита боғлиқ. Қонуннинг 11-моддасига кўра, бу тизимни молиявий жиҳатдан таъминлаш, аввало, давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъи назар, жамоат бирлашмалари ва корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.²

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан ажратилмаган маблағлар бошқарув ҳамда назорат органларини ҳамда илмий-тадқиқот ишларини молиявий жиҳатдан таъминлаш, аниқ мақсадга

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

² Ўша жойда.

йўналтирилган меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлат дастурларини бажаришга қаратилади.

Ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси учун зарур маблағлар жамоат шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратилади. Ана шу мақсадлар учун корхона ходимлари томонидан ортиқча харажатлар қилинишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилади. Меҳнат жамоаси, унинг вакиллик органлари меҳнат муҳофазасига мўлжалланган маблағлардан қандай фойдаланаётганини текшириб боради. Шуниси эътиборга лойиқки, меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин эмас.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка биноан, корхоналарга ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятидан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа маблағлар ҳисобига меҳнат муҳофазаси учун марказлаштирилган фондлар ташкил этиш ҳуқуқи берилган.

Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон касабалар уюшмаси Федерация Кенгаши иштирокида белгиланади.¹

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Меҳнат шароитлари давлат экспертизаси, унинг таркибий бўлинмаси сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат шароитлари давлат экспертизаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, бу органнинг асосий вазифаларидан бири — ноқулай меҳнат шароитлари учун бериладиган имтиёз ва компенсацияларни тартибга солувчи норматив-услубий асосларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. //http://www.lex.uz.

ишлаб чиқиш, меҳнат шaroитлари бўйича кўшимча таътил ва кискартирилган иш куни белгиланадиган рўйхатлар ва кўрсаткичларнинг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек бу рўйхатларда ўзгартиришлар киритиш ҳақида хулосалар тайёрлаш, меҳнат шaroитларини баҳолаш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш усулларини ва меҳнат шaroитларини экспертиза қилиш учун тегишли нормативларни ишлаб чиқиш ва янгилаш каби масалалардан иборат.¹

Шунга мувофиқ меҳнат шaroитларини баҳолаш ва меҳнат шaroитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1996 йил 28 майда рўйхатга олинган Услугият асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унга қарашли Меҳнатни нормалаш ва муҳофаза қилиш маркази томонидан 1999 йил 18 ноябрда “Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланишда иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби» тасдиқланган ҳамда худди шу санада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 839-сон рақам билан рўйхатга олинган.²

Ишлаётган ногиронларнинг иш жойларидаги меҳнат шaroитларини баҳолаш, аттестациядан ўтказишдан кўзланган мақсад—фаолият имконияти чекланган фуқаролар соғлиғининг ҳолати ва танлаган касбига мос равишда хавфсиз меҳнат шaroитлари билан таъминлаш орқали конституцион ҳуқуқларини амалга оширишдан иборат.

Ногиронлар иш жойларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказиш уларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган (барча ходимларнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат шaroитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлари. - Т.: “Адолат”, 2000. - Б. 696-700.

камида 50%и) корхона, ташкилотларда, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсинувидан қатъи назар ўтказилиши шарт.

Ногиронлар иш жойларидаги меҳнат шaroитларини баҳолаш ва аттестациялашда асосий илмий-услубий муассаса сифатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Меҳнатни нормалаш ва муҳофаза қилиш маркази ҳамда қонунчиликда кўрсатилган бошқа ташкилотлар белгилаб қўйилган.

“Меҳнат шaroитлари давлат экспертизаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, меҳнат шaroитлари давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг давлат назорат органлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритади.

Меҳнат шaroитлари давлат экспертизасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- идоравий бўйсиниш ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасаларда ноқулай меҳнат шaroитларида ишлайдиган меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ишлаб чиқаришдаги меҳнат шaroитлари, ноқулай меҳнат шaroитларида ишлаганлик учун имтиёзлар ва компенсациялар берилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- ноқулай меҳнат шaroитлари учун бериладиган имтиёз ва компенсацияларни тартибга солувчи норматив-услубий асосларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Меҳнат шaroитлари давлат экспертизаси ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

- иш жойларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказиш сифати ҳамда имтиёзли пенсия, қўшимча таътил ва қисқартирилган иш

куни белгиланадиган рўйхатлар ва кўрсаткичлар устидан давлат назоратини амалга оширади;

- корхона, вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида имтиёзли пенсия, қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни белгиланадиган рўйхатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида хулосалар тайёрлайди;

- корхоналарнинг буюртмаларига кўра, аттестация асосида иш жойларидаги меҳнат шароитларини экспертиза қилади;

- ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича иш берувчи ва корхона ходимлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқади;

- меҳнат шароитларини баҳолаш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш усулларини ва меҳнат шароитларини экспертиза қилиш учун норматив асосларни ишлаб чиқади ва янгилайди;

- меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатнинг бошқа шароитларга оид масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ташкил этади.

Меҳнат шароитлари давлат экспертизасига қуйидаги ҳуқуқларни берилади:

- ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтда корхоналарга, уларнинг қайси идорага бўйсиниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, белгиланган намунадаги гувоҳномани кўрсатиб бемалол кириш;

- қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш;

- корхоналардаги меҳнат шароитларини экспертиза қилиш ва маъмуриятга МШЭ-1 шаклида хулоса бериш;

- экспертиза ўтказиш учун олим ва мутахассисларни белгиланган тартибда ҳақ тўлаб жалб этиш;

- корхонадаги ходимларга имтиёзли пенсиялар, қўшимча таътиллار ва қисқартирилган иш куни белгилашга доир ҳужжатларни, шунингдек, жамоа шартномасида кўзда тутилган меҳнат шароитларини яхшилаш

бўйича тадбирларнинг бажарилишини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун МШЭ-2 шаклида ёзма кўрсатма бериш;

- корхона маъмурияти томонидан белгиланган имтиёзли пенсиялар, кўшимча таътиллер ва қисқартирилган иш кунига оид ва амалдаги қонунларга зид бўлган қарорларини тўхтатиш тўғрисида МШЭ-3 шаклида тақдимнома бериш;

- корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларини меҳнат шароити нормалари ва қоидаларини бузгани учун амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиш;

- вазирлик, идора ва ташкилотлардан меҳнат шароитлари бўйича зарур маълумотларни олиш;

- меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини назорат қилиш тариқасида аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва бунинг учун шартнома асосида зарур бўлган ташкилот ва мутахассисларни жалб этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиши учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан имтиёзли пенсиялар, кўшимча таътиллер ва қисқартирилган иш кунини белгиланадиган рўйхатларни тўлдириш, аниқлаш бўйича таклифлар киритиш;

- давлат, жамоат ва халқаро ташкилотларда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги номидан вакиллик қилиш¹ ва ҳоказолар.

Қонунчиликда меҳнат шароитлари давлат экспертизаси ходимлари ўз вазифаларини бажараётган пайтда текширилаётган корхона маъмурияти уларга ҳар томонлама ёрдам беришга мажбур экани кўрсатилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат шароитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. // <http://www.lex.uz>.

Меҳнат шароитлари давлат экспертизасини молиявий жиҳатдан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Меҳнат шароитлари давлат экспертизасига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, туман ва шаҳар меҳнат органлари томонидан амалга оширилади.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга доир чоратадбирларни амалга оширишда меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи ташкилотларнинг ўрни бекиёс.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб туриш қуйидаги давлат ташкилотларига топширилган:

- Меҳнат муҳофазаси Давлат инспекцияси;
- Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси
- Республика санэпидемстанция назорати;
- Давлат ёнгин назорати;
- Давлат энергия назорати.¹

Булардан Меҳнат муҳофазаси Давлат инспекцияси корхоналарда хавфсиз ишлаш, техника хавфсизлиги бўйича норма қоидаларига риоя қилиш, саноат санитарияси ва меҳнат гигиенасига риоя қилиш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш масалаларини назорат қилади. Ҳар бир тармоқ ўз техник инспекторига эга.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат шароитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. // <http://www.lex.uz>.

Давлат тоғ-кон назорати ташкилоти буғ қозонларининг тўғри ишлашини, босим остида ишлайдиган ишларни, юк кўтариш машиналари, экскаваторлар, газ ускуналари магистрал қувурлари ишини ва портловчи моддаларни ишлатиш, сақлаш ва ташиш ишларини назорат қилади.

Республика санэпидемстанция назорати эса ҳавони, сувни ва тупроқни ифлосланишдан огоҳлантириш, шовқин ва титрашни йўқотиш, цехларнинг санитария ҳолатларини яхшилаш ишларини назорат қилади.

Давлат ёнгин назорати - бу ташкилот ёнгинга қарши тадбирларни, ўт ўчириш воситаларининг ҳолатини, ёнгин ҳақида хабар бериш воситаларининг иши ва бошқаларни назорат қилади.

Давлат энергия назорати - бу ташкилот корхоналаридаги энергия системаларининг техник эксплуатациясини ва хавфсизлик техникаси коидаларига риоя қилишни назорат қилади.

Барча корхона, ташкилот, муассаса, вазирликлар, ва тармоқларда меҳнат муҳофазаси конунлари бажарилишининг олий назорати Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорига юклатилган.

Корхоналарда меҳнат муҳофазасига доир ишлар ташкилий-техник тадбирларнинг комплек режаси асосида амалга оширилади. Бу тадбирларни корхона маъмурияти маҳаллий касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқади. Комплекс режа йиллик, беш йиллик ёки кўп йиллик режалардан ташкил топади. Бунда фан ва техниканинг меҳнат муҳофазаси соҳасида эришган ютуқлари ҳамда корхонанинг ривожланиш истиқболлари ҳисобга олинади. Ишнинг бажарилишини назорат қилиш хавфсизлик йўллари бўйича муҳандис зиммасига, уни амалга оширишга жавобгарлик эса корхона цехлари, бўлимлари, бўлинмалари бошлиқлари зиммасига юклатилади. Махсус маблағни ва моддий таъминотни талаб қилувчи тадбирлар жамоа шартномасига илова қилинадиган режага киритилади. Жамоа шартномасини ҳар йили жамоа бошлиғи ва ишчи-хизматчилар номидан касаба уюшмаси қўмитаси билан тузади. Жамоат шартномасига

киритилган меҳнат муҳофазасига доир тадбирларнинг бажарилиши ажратилган маблағлар ишлатиб бўлинганлиги ҳақида махсус далолатнома тузилиб, унга корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва корxonанинг бош муҳандиси имзо чекадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъи назар, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари бошқарув ҳамда назорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятдан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.¹

Шунингдек, меҳнат муҳофазасига доир тадбирлар қуйидаги маблағлар ҳисобига таъминланади:

- давлат ва марказлаштирилмаган капитал маблағлар, шу жумладан ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси, ижтимоий-маданий ва уй-жой қурилиши жамғармаси ҳамда корхона жамғармаси;

- агар тадбирлар асосий воситаларни капитал тузйтиш билан бир вақтда амалга ошириладиган бўлса - амортизация жамғармаси;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

- агар харажатлар капитал харажатлар бўлса - асосий фаолият, цех ва умум харажатлари маблағлари;

- янги техникани жорий этиш ёки ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк томонидан бериладиган қарзлар.

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас.

Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланади.¹

2.2 Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш.

Меҳнат Кодексининг 222-моддасига мувофиқ, иш берувчи ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиши шарт.²

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишини текшириш ва ҳисобга олиб бориш тўғрисида” Низом тасдиқланган.

Унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти мобайнида рўй берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиб бориш тартиби белгилаб берилган. Ушбу Низом қуйидаги шахсларга татбиқ этилади:

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б. 107.

1. ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга;
2. иш берувчиларга;
3. пудрат ва топшириқларга кўра фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажараётган шахсларга;
4. табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишда қатнашаётган фуқароларга;
5. агар махсус давлатлараро битимда ўзгача ҳол кўрсатилмаган бўлса, ёлланиб ишлаётган чет эл фуқароларига;
6. қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган ўзга ишларни бажариш учун корхонага юборилган ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан, муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга;
7. корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга ҳам татбиқ этилади.¹

Изоҳ ўрнида айтиш керакки, ўқувчилар ва талабалар билан ўқув-тарбия жараёнида юз берган бахтсиз ҳодисалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан белгиланган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

Низомга кўра қуйидаги ҳолатлар ваколатли органлар томонидан текширилади ва ҳисобга олинади:

1. корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда шунингдек, хизмат сафарларида юз берган жароҳатланиш, захарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

ва конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, хайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунингдек табиий офатлар туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлари;

2. ўз функционал вазифаларини бажариш юзасидан, шунингдек аварияларнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва корхонанинг мулкани сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги;

3. ходим хизмат сафарида бўлган ёки ўз функционал вазифаларини бажариш вақтида йўл-транспорт ҳодисасидаги, темир йўл, ҳаво йўлларидаги, денгиз ва дарё транспортидаги, электр транспортидаги ҳодиса натижасидаги;

4. иш берувчи томонидан буйруқ билан махсус ажратилган уйдан ишга ёки ишдан уйга ходимларни ташиш учун мўлжалланган транспортда, шунингдек ушбу мақсадлар учун шартномага мувофиқ ўзга ташкилот транспортида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;

Аммо, иш вақтида шахсий транспортда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш масаласи икки хил бўлади. Агар уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишга рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруғи бўлсагини текшириш ва ҳисобга олиш ишлари амалга оширилади, акс ҳолда бу бошқа усуллар билан тартибга солинади.

5. иш берувчининг топшириғини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш объектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги;

6. тадбирларнинг ўтказилиши ёки ишлар бажарилиши жойидан катъи назар, шанбалик (якшанбалик), фуқаро мудофааси бўйича ўқув машғулоти, кўнгилли ёнғин муҳофазаси мусобақалари ўтказилаётгандаги,

қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, иш берувчининг ёзма фармойиши бўйича корхона томонидан оталиқ ёрдами кўрсатилаётгандаги;

7. ички ишлар органларининг маълумотлари асосида — иш вақтида меҳнат вазифаларини бажараётганда бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги;

8. сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги вахта шахарчаси ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги бахтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.¹

Шунингдек, табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасддан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиши ҳолатлари суд-тиббий экспертиза хулосаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, бахтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларнинг бажарилишини корхонанинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, давлат меҳнат техника назоратчиси, Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўзэнергоназорат» агентликлари органлари назоратдаги тегишли объектларда назорат қилади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хулосага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.²

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

² Ўша жойда.

Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак. Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс корхона касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қилиши мумкин бўлиб, бу ҳолатда мазкур органлар уларнинг мурожаатига жавоб қайтаришлари шарт қилиб белгилангандир.

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи юқоридаги ҳолатларда амалга оширадиган вазифалари аниқ белгилаб берилган Улар 10 кун муддат ичида бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қилади. Иш берувчи бу талабларни бажармаса, корхона касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик органи, шунингдек жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахс давлат меҳнат техника назоратчисига мурожаат қилади.¹

Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмаганлиги ёки нотўғри тузилганлиги аниқланган ҳолларда давлат меҳнат техника назоратчиси иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки бошқатдан тузишни талаб қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

хуқуқига эгадир. Иш берувчи давлат меҳнат техника назоратчиси хулосасини бажаришга мажбурдир.

Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликни эса бош давлат меҳнат техника назоратчиси ҳал қилади.¹

Демак, содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасида тизимли йўлга қўйилган ва бу тизим қонун нормаларида мустаҳкам асосини топган.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишларини текшириш ва ҳисобга олиш тартиби кўйидагича амалга оширилади:

Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

- жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;
- текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича сақлаб қолиши зарур, агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса;
- дарҳол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиш.²

Бунда комиссиянинг текширув олиб бориши осонлашади ҳамда ҳодисага аниқ баҳо бериш енгиллашади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

²Ўша жойда.

Корхона тиббий-санитария қисми, шифохона, поликлиника бир сутка ичида ёрдам сўраб мурожаат қилган ходимлар, шу жумладан, хизмат сафаридаги ва корхона ишлаб чиқариш объектларида иш бажараётган хорижий ташкилот ходимлари билан юз берган ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига хабар беради.¹

Лекин хабар беришга бир сутка вақт ажритилиши менимча кўп муддат, ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда буни амалга ошириш нисбатан қисқа муддатни талаб этади.

Иш берувчининг буйруғига кўра иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи таркибида комиссия тузилади. Лекин ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар бахтсиз ҳодисани текширишда иштирок этмайди.

Комиссия:

– уч сутка ичида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;

– бахтсиз ҳодиса сабабларини йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган Н-1 шаклидаги далолатномани уч нусхада тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига бериши керак.

Иш берувчи ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш чораларини кўради ва текшириш тамом бўлгандан сўнг уч сутка давомида тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатномаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга, текшириш материаллари билан бирга корхона меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарига, давлат меҳнат техника назоратчисига юборади.¹

Улар буни ўрганиб чиқишлари билан бир қаторда Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган бахтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олади ва дафтарда қайд қилади ҳамда келгусида шунга ўхшаш ҳолатлар бўлишини олдини олиш чораларини ишлаб чиқадилар.

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатнома нусхаларини, касаба уюшмаси кўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи вакилига, агар бахтсиз ҳодиса назоратдаги тегишли корхоналарда юз берган бўлса, юқори турувчи хўжалик органига, тегишли вазирлик яъни хўжалик бошқаруви органларига ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарига текшириш материаллари билан юборилган Н-1 шаклидаги далолатнома 45 йил давомида сақланиши лозим. Бошқа жойларга юборилган Н-1 шаклидаги далолатномалар ва унинг нусхалари эҳтиёж йўқолгунча сақланади.

Агар корхона қайта ташкил этилса Н-1 шаклидаги далолатнома ҳуқуқий ворисга корхонанинг бошқа қимматли қоғозларини топшириш тартибида берилади. Агар корхона тугатилса Н-1 шаклидаги далолатнома корхонанинг юқори турувчи хўжалик органига берилади. Агар корхонада юқори турувчи хўжалик органи бўлмаса, унда Н-1 шаклидаги далолатнома, туман (шаҳар)

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.¹

Бунда жамғарма жабрланувчини келгусида оладиган пенсия таъминоти ва бошқа маблағларни ҳисоблашда бу ҳужжат асқотади, юридик асос ҳисобланади.

Жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлиги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлиги тўғрисидаги бахтсиз ходисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, давлат меҳнат техника назоратчисининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида текширилади. Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш масаласи бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза ҳар томонлама, барча шарт-шароитлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга олинган ҳолда текширилганидан сўнг ҳал этилади.²

Лекин бир ой муддат жабрланувчининг жисмоний ҳолатини яхшиланиши ёки ёмонлашиши учун манимча кўп муддат. Буни 15 суткага талофатнинг оғир ва мураккаблигига қараб 20 суткага алмаштириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топшириғини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адо этиш учун мазкур корхонага жўнатилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу бахтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

Бахтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади. Бахтсиз ҳодиса юз берган корхона Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхасини бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш учун ўзида олиб қолади, қолган 3 та тасдиқланган нусхасини жабрланувчи ходими бўлган ташкилотга, ҳисобга олиш, сақлаш учун юборади.

Иш берувчининг ёзма фармойиши билан вақтинча бошқа ташкилотга ишга ўтказилган ёхуд ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим билан бахтсиз ҳодиса юз берса бахтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

Бошқа корхонанинг ажратилган участкасида иш олиб бораётган корхона ходими билан бахтсиз ҳодиса юз берса, у иш олиб бораётган корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

Ҳарбий қисм билан корхона ўртасидаги шартнома, битим бўйича халқ хўжалиги объектларига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида иш олиб бораётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий состави билан юз берган бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги иштирокида текширилади. Бахтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.¹

Бундай ҳолларда тегишли тарзда ҳарбий қисм томонидан ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳарбийлаштирилган кон ва газ қутқарувчилари қисмлари шахсий таркиби билан юз берган бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи вакили иштирокида текширилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

Корхонадаги меҳнатга жалб қилиниб, ишни унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида бажараётган ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасида, даволаш-меҳнат ва тарбия-меҳнат профилакторияларида сақланаётган шахслар билан бахтсиз ҳодиса юз берса, уларнинг вакили иштирокида иш берувчи томонидан текширилади. Бахтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

Автокорхона ёки бошқа корхона томонидан тузилган йиғма автоколонна таркибида қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган автомобиль ҳайдовчиси билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади. Текширишда ходимни юборган корхона вакили қатнашади.

Корхона ходими раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодиса корхона томонидан таълим муассасаси вакили билан биргаликда текширилади ва корхона томонидан ҳисобга олинади. Корхона томонидан ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратилган участкада ўқитувчилари раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисалар таълим муассасалари томонидан корхона вакили билан биргаликда текширилади ва таълим муассасаси томонидан ҳисобга олинади.¹

Ўқувчилар ва талабалар билан ўқув-тарбия жараёнида юз берган бахтсиз ҳодисалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

Охирги тўртта ҳолатда тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхаси жабрланувчининг доимий иш, хизмат ёки ўқиш жойига юборилади.¹

Бундан ташқари бир вақтнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан саломатликка етказилган зарарнинг оғирлиги даражасидан қатъи назар, юз берган гуруҳий бахтсиз ҳодисаларни, ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни, оқибати оғир бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш ҳам мавжуд бўлиб у ўз даражасига кўра бошқа текширувлардан фарқ қилади.

2.3 Мехнат муҳофазасига доир нормаларни бузганлик учун жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мехнат муҳофазаси қоида ва нормаларининг бузилиши юзасидан қатъий жавобгарлик белгиланган.

Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида Қонунининг 27-моддасига Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монеълик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.²

Мехнат интизомини мустаҳкамлашда зарур ҳолларда мажбурлаш, ҳокимият кучидан фойдаланиш ҳам энг самарали усуллардан бўлиб ҳисобланиши мумкин. Мажбурлаш усули қўлланилганида фойдаланиладиган асосий ҳуқуқий восита бўлиб интизомий жавобгарликка тортиш саналади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. // <http://www.lex.uz>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

Интизомий жавобгарлик – бу, ўз айбли хулқ-атвори билан меҳнат интизомини бузаётган ходимни қоралаш, унга қонунда назарда тутилган интизомий жазо чораси қўлланилишидан иборат.¹

Интизомий жавобгарлик ўз ҳуқуқий асослари, уни қўлловчи орган, жазонинг мақсади, турлари, оқибатлари ва бошқа хусусиятлари билан маъмурий жавобгарликдан, жиноий жавобгарликдан тубдан фарқ қилади. Масалан, интизомий жавобгарлик ходим ўз меҳнат вазифаларини бажармаслиги туфайли юз берса, маъмурий жавобгарлик барча фуқаролар учун мажбурий бўлган бошқарувга оид тартиб-қоидаларни бузганлик учун ваколатли давлат бошқарув органлари томонидан қўлланилади. Амалдаги меҳнат қонунчилиги иш берувчига ўз ходимини интизомий жазога тортиш ҳуқуқини бериш билан бирга ходимларга ҳам асоссиз ва адолатсиз жазодан ўзларини ҳимоя қила олишлари учун бир қатор кафолатлар беради.

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармоишларини ўз вақтида аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.²

Ходим меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда, меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. Интизомий ножўя ҳаракат деб ходим томонидан айбли ва ҳуқуққа хилоф тарзда ўз меҳнат мажбурятларини бажармаслиги тушунилади. Интизомий ножўя ҳаракат объектив ва субъектив белгилардан иборат ножўя ҳаракат таркибини ташкил этади. Ҳар қандай ходим ёки махсус ваколатга эга бўлган ходимлар меҳнат ҳуқуқида интизомий ножўя ҳаракат ва интизомий жавобгарлик субъектлари бўлишлари мумкин.

¹ Турсунов Й.А. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: “Молия”, 2006. - Б 291.

² Гасанов А.М., Соколов В.Е. Меҳнатни муҳофаза қилиш // Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатлари. Т.3. - Т.: “Шарқ”, 2000. – Б 57.

Корхонада амал қилувчи ички тартиб қоидалари, ходимнинг бурчлари, хизмат вазифалари доирасига хилоф равишда қилинган ҳаракатлар интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат объекти бўлиб ҳисобланади.¹

Меҳнат кодексининг 181-моддасида интизомий ноҳўя ҳаракат содир этган ходимга нисбатан қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган:

- хайфсан;
- ўртача ойлик иш ҳақининг 30% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, ички меҳнат тартиби қоидаларида 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш мумкинлиги кўзда тутилиши мумкин;
- меҳнат шартномасини бекор қилиш²

Юқорида санаб кўрсатилганлардан ташқари бошқа интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Интизомий жазони қўллаш фақатгина ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг бешинчи бўлими “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик” деб номланган бўлиб, унда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик, меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмагани учун корхоналарнинг жавобгарлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрлаганлик ва сотганлик учун корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги, ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот

¹ Гасанов А.М., Соколов В.Е. Меҳнатни муҳофаза қилиш // Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатлари. Т.3. - Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 57.

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б. 86-87.

этган тақдирда корхонанинг моддий жавобгарлигини белгиловчи нормалар мустаҳкамланган.

Қонунга кўра корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича маблағлар ажратадилар.¹

Тарифлар меҳнат шароити, бажариладиган ишлар хавфлилиги, зарарлилиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат шароитлари давлат экспертизаси берган хулоса тарифларни қайта кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Агар корхоналар томонидан ушбу талаблар таъминланмаса корхоналар моддий жавобгарликка тортиладилар.²

Шунингдек, корхоналар меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқараётган ва етказиб бераётган корхоналар истеъмолчиларга етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланадиган тартибда қоплайдилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича стандартлар, қоидалар ва меъёрларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларига номувофиқ ишлаб чиқариш воситаларини, якка тартибдаги ва жамоани ҳимоялаш воситаларини, шу жумладан хориждан сотиб олинганларини сотиш ва тарғиб қилиш ғайриқонуний ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида корхона олган фойда белгиланган тартибда бюджетга мусодара қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

² Ўша жойда.

Мансабдор шахслар меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 49-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 15-моддасига кўра мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.¹

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида Қонунининг 28-моддасида ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги белгиланган бўлиб, унга кўра маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди.

Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ва жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим.

Агар ходим даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боғлиқ ҳаражатларни тўлайди, шунингдек жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ва тиббий хулосага мувофиқ ишга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. //http://www.lex.uz.

жойлашишини таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун кетадиган харажатларни қоплайди.¹

Агар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этса корхона тегишли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга моддий зиённи Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорларда қоплаши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб кўядиган миқдорда бир марта бериладиган нафақа тўлаши белгиланган. Шунингдек, ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларида ҳам мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 191-моддасида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганда тарафларнинг аралаш жавобгарлиги белгиланган.²

Унга кўра жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқиши ёки кўпайишига сабаб бўлса, тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб, мувофиқ равишда камайтиради.

Жабрланувчи томонидан қўпол эҳтиётсизлик қилинган ва иш берувчининг айби бўлмаган ҳолларда, унинг айбидан қатъи назар жавобгарлик келиб чиқадиган бўлса тўланадиган зарар миқдори ҳам шунга мувофиқ равишда камайтиради. Бундай ҳолларда зарарни тўлаш мажбуриятининг бажарилиши шарт яъни зарарнинг тўланишини рад этишга йўл қўйилмайди.

Бу қоида бир йўла бериладиган нафақага, шунингдек боқувчининг вафоти муносабати билан зарарни тўлаш ҳолларига татбиқ этилмайди.

Иш берувчининг моддий жавобгарлигига ходимнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаб бериш ҳам киради. Бунда меҳнат шартномасида

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б 91-92.

белгиланган вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида ходимнинг шахсий буюмлари ёки бошқа мол-мулкига зарар етказган иш берувчи бу зарарни натура ҳолида қопламоғи лозим. Агар зарарни натура ҳолида қоплашнинг иложи бўлмаса ходимнинг розилиги билан мол-мулкнинг қиймати шу жойда амалда бўлган баҳо бўйича тўла хажмда қопланиши лозим.¹

Ходимга етказилган зарарни ундириш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

1- Иш берувчига зарарни ундириш ҳақидаги аризани жабрланувчи ходим, ходим вафот этган тақдирда эса, зарар тўловини олишга ҳақли бўлган манфаатдор шахслар беради.

2- Иш берувчи бу ҳолатда аризани кўриб чиқиши ва ариза тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида тегишли қарор қабул қилиши ва у юзасидан ўз буйруғини чиқариши шарт.

3- Иш берувчининг ходимга зарарни тўлаш ҳақидаги буйруғининг нухаси ёки рад этиш ҳақидаги асосли ёзма жавоби у қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида ходим ёки манфаатдор шахсларга топширилади.²

Ходим ёки манфаатдор шахслар иш берувчининг қарорига рози бўлмасалар ёки белгиланган муддатда жавоб олмасалар, улар бу низони ҳал қилиб беришни сўраб судга мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

Меҳнат муҳофазасига доир нормаларни бузганлик маъмурий жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддаларида белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 49-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг қуйидаги турлари белгиланган. Унга кўра мансабдор шахс томонидан меҳнат

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: "Адолат", 2013. - Б 90.

² Ўша манба. - Б 92.

ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.¹ Ўзбекистон Республикаси давлати ёшларга оид сиёсатининг моҳияти, уларга бериладиган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий, ҳуқуқий соҳаларидаги кафолатлар «Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган.

Ушбу Қонуннинг 1-моддасида айтилишича: «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси Давлат фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир».²

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли қатламлари сифатида давлат томонидан алоҳида муҳофаза этиладиган ҳамда уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашувчи қўшимча тадбирлар қонунчиликда назарда тутилади.

Энг аввало, ўқув юртларини тамомлаган ўн саккиз ёшга етмаган фуқаролар учун иш жойларининг олдиндан банд қилиб қўйилиши ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ана шу иш жойларига ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшларни ишга қабул қилишлари шарт эканлиги, шу шахслар учун қўшимча бўш иш ўринлари барпо этмаган

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. //http://www.lex.uz.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. //http://www.lex.uz.

корхоналарга аҳоли бандлиги билан шуғулланувчи органлар томонидан иқтисодий таъсир чоралари кўрилишини айтиб ўтиш лозим.

Бундан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган маънавий, ахлоқий қиёфаларининг шаклланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган ишларга қабул қилиниши қатъий чекланганлиги, уларни белгиланган энг кам иш жойларига ишга олиш пайтида дастлаб синов шартисиз қабул қилинишлари лозимлиги ҳам эътиборда тутилмоғи даркор.

Аввал ҳеч қаерда ишламаган ўсмирларни ишга қабул қилиш, агар ўн олти ёшга тўлган бўлсалар, паспортларини, ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни (чақирилиш гувоҳномаси) тақдим этганларидан сўнг, тиббий кўриқдан ўтказилиш, топширилаётган вазифага яроқли эканликлари аниқлангач, ёзма меҳнат шартномаси (контракт) тузиш йўли билан корхонадаги ишга қабул қилинадилар. Ўн беш ёшгача бўлган шахслар эса ишга кириш пайтида туғилганлик гувоҳномаси, яшаб турган жойларидан маълумотнома тақдим этишлари, бундан ташқари мазкур шахсларнинг ота-онаси ёхуд улар ўрнини босувчи бошқа шахслар уларни ишга киришларига қарши эмасликлари тўғрисида ёзма розилик тақдим этишлари лозим. Бу тоифадаги ходимлар ҳам аввал тиббий кўриқдан ўтказилиб, топширилаётган вазифага яроқли эканликлари аниқлангач, иш берувчи билан ёзма меҳнат шартномаси тузиш орқали ва иш берувчининг ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғини чиқариш йўли билан ишга қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексининг 77-моддаси 2-қисмига мувофиқ: “Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлигига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга

йўл қўйилади”¹. Бундай пайтда ҳам ўқувчининг туғилганлик гувоҳномаси, яшаб турган еридан маълумотнома, ота ёки онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги талаб этилади ва шундан сўнг бундай шахс тиббий кўриқдан ўтказилгач, ёзма меҳнат шартномаси тузилиб, иш берувчининг ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи чиқарилиши йўли билан ишга қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақидаги Қарорига кўра 18 ёшга тўлмаган шахслар билан ушбу ишларга қабул қилиш юзасидан меҳнат шартномаси тузилиши мумкин эмас.²

Ўн саккизга тўлмаган шахслар ишга тушишларидан олдин иш берувчи уларга меҳнат шартлари, хавфсизлик чоралари ва қоидалари хусусида йўл-йўриқлар бериши, уларни назоратсиз қолдирмаслиги лозим. Меҳнат фаолияти давомида иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни уларнинг розилиги бўлгани тақдирда ҳам оғир ва зарарли ишларга, уларнинг тарбиясига салбий таъсир этадиган вазифаларни бажаришга ўтказишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида меҳнат муҳофазаси нормаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган бўлиб мазкур нормалар Жиноят Кодексининг 257-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра “Техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - Б 38.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами // -Т.: “Адолат”, 2009-йил, 30-сон, - Б. 79-83.

йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”¹.

Ушбу жиноятнинг объекти мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ишлаётган шахсларнинг меҳнат шароитларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда нафақат доимий ишлаётган, балки вақтинча ишлаётган шахслар ҳам жабрланувчи бўлишлари мумкин.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ва зиммасига хизмат вазифасига кўра техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши бўйича ёхуд махсус фармойиш билан маълум иш участкасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши ёки шу қоидаларнинг ижроси бўйича масъулият юкланган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.²

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари мазкур жиноят субъекти бўлмаган шахс томонидан бузилган ва ушбу модда дисрозитсиясида кўрсатиб ўтилган оқибатлар келиб чиққан ҳолларда айбдорнинг қилмиши соғлиққа зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан квалификация қилиниши лозим.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига, бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилади.³

Меҳнат муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунларини бузганлик учун белгиланган интизомий, мамурий ва жиноий жавобгарликлар бу соҳадаги йўл қўйилмаслиги лозим бўлган ҳатти-ҳаракатларни тўлиқ қамраб олади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. //http://www.lex.uz.

² Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. - Б 215.

³ Ўша жойда.

Хулоса

Битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича меҳнат муҳофазаси ва унинг ҳуқуқий асослари мавзусида олиб борилди.

Вужудга келган билим ва кўникмалар асосида бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган аниқ таклифларга келинди. Миллий қонунчилигимиз бўйича ходимнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари, унинг кафолатлари таҳлил қилинди. Иш берувчининг ходим ва унинг вакиллик органи олдидаги мажбуриятларига чуқур эътибор қаратилди.

Шунингдек меҳнат муҳофазасига доир нормаларни бузилишини олдини олиш, ғайриқонуний ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик масалалари тўлиқ ўрганилди. Бахтсиз ходисалар юз беришининг миқдорини камайтириб бориш ва соғлом меҳнат шароитларига эришиш учун халқаро тажрибалар ва тавсиялар кўриб чиқилди.

Соҳага оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ишлар ўрганилиб чиқилди ва қўйидагилар аниқланди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меҳнат соҳасида ҳар бир инсон ҳаёти ва соғлиғининг ишончли ҳимоясини таъминлайди. Бу Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Мавжуд ҳужжатлар мунтазам равишда ХМТ Конвенциялари талабларига мослаштириб борилмоқда. Натижада, шу кунгача турли тармоқ ва касбларни қамраб олган меҳнат муҳофазасига тааллуқли 183 та қоида ва меъёрлар ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ қилинган.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича инспекторлар томонидан мунтазам текширувлар ўтказиб борилмоқда. Улар томонидан кўргазмалар ташкил қилиниб, аҳоли соҳада юз бераётган янгиликлар, замонавий технолигиялар билан мунтазам таништирилмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан “очиқ эшиклар

куни” ўтказилиб, меҳнаткашлардан тушган таклифлар кўриб чиқилиб, ижобий жавоблар бериб келинмоқда.

Меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида олиб борилаётган бу каби тадбирлар мамлакатимиздаги соҳага оид муаммоларнинг ечими бўлиб келмоқда.

Шу ўринда ушбу битирув малакавий ишини ёзиш давомидаги изланишлардан келиб чиқиб, қуйдаги таклифлар илгари сурилади:

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлашни янада ошириш мақсадида даромат манбайи бошқа соҳага йўналтирилган корхоналардан фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни яқка тартибда ҳимоялаш воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларни сотиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига нисбатан солинади имтиёзли солиқларни бекор қилиш таклиф этилади. Бунда олинган фойдани корхонанинг мавжуд меҳнат муҳофазасини ривожлантиришга йўналтириш тавсия этилади

2. Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналардаги махсус меҳнатни муҳофаза қилиш хизматчилари, 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналардаги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматчилари бир вақтнинг ўзида корхона раҳбарига ҳамда давлат меҳнат техника назоратчисига бўйсунинини жорий этиш таклиф этилади. Бунда иш берувчининг ходимлар манфаатларини таъминлашда ўз ваколатларидан етарли даражада ёки умуман фойдаланмаслиги, унинг ҳаракатсизлиги натижасида ходимлар ҳуқуқларининг поймол бўлишининг олдини олиш назарда тутилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // “Халқ сўзи”, 2014-йил 19 январ.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. - 367 б.
3. Каримов И.А. Замоनावий кадрлар – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - 432 б.

2. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2012. - 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: “Адолат”, 2013. - 282 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. //http://www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. //http://www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002-йил, 1-сон, 20-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. //http://www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. //http://www.lex.uz.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат шaroитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. //http://www.lex.uz.

3.Махсус адабиётлар:

1. Гасанов А.М., Соколов В.Е. Меҳнатни муҳофаза қилиш // Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатлари. Т.3. - Т.: “Шарқ”, 2000. - 257 б.
2. Гловацкас С. Охрана труда в Республике Узбекистан. - М.: “Век”, 2008. - 55 с.
3. Ёрматов А.Ғ. Меҳнатни муҳофаза қилиш. - Т.: “Ўзбекистон”, 2002. - 382 б.
4. Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳуқуқи. - Т.: “Иқтисодиёт дунёси”, 2002. - 428 б.
5. Князевский Б.А. Охрана труда в электроустановках. - М.: “Энергия”, 1998. - 72 с.
6. Павлов С.П. Охрана труда в приборостроении. - М.: “Высшая школа”, 2001. - 91 с.

7. Полтев М.К. Охрана труда в машиностроении. - М.: “Высшая школа”, 2000. - 247 с.
8. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 528 б.
9. Турсунов Й.А. Меҳнат ҳуқуқи. - Т.: “Молия”, 2006. - 282 б.
10. Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Меҳнат ҳуқуқи. - Т.: “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашриёти”, 2008. - 162 б.
11. Reyder H. Gender issues in safety and health at work. - В.: “Grand Via”, 2003. – 82 p.
12. Herkoge M. FACTS ON safety and health at work. -G.: “ILO”, 2009. - 79 p.

Мақолалар:

1. Маҳмадалиев Б.Б. 28-апрель - Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни. // <http://www.kasaba.uz>
2. Исаев М., Тўлаганов Ш. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва унинг Конвенциялари // “Ишонч”, 2000-йил 31 март.

4.Интернет сайтлари:

1. <http://www.press-service.uz>
2. <http://gov.uz>
3. <http://www.ilo.org>
4. <http://www.mehnat.uz>
5. <http://www.uznature.uz>
6. <http://www.kasaba.uz>
7. <http://www.lex.uz>
8. <http://www.referat.net>
9. <http://www.davarh.uz>
10. <http://www.sgktn.gov.uz>